



MILLIY TIKLANISH

39 (204) ● 2012 йил 26 сентябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



ФРАКЦИЯ аъзолари томонидан ҳисобот даврида илм-фанни ривожлантиришга 49,0 млрд. сўм, маданият, спорт ва оммавий ахборот воситалари учун харажатлар 99,9 млрд. сўм ажратилгани ва мақсадли сарфлангани алоҳида таъкидланди.



УСТА яратган ёғоч ўймакорлиги намуналари бетақорлиги ва нафислиги билан эътиборни тортади. Айни пайтда Самарқанд шаҳридаги "Хунармандлар маркази"да фаолият юритаётган уста ёшларга оддий ёғочдан санъат асария яратиш сирларини ўргатмоқда.



УСТОЗ. Бу қадрдон ва ҳаммамизнинг юрагимизга яқин сўзни эшитсак, ҳаяжонга тушамиз. Негаки, илк бора алифбони ўргатиб, катта ҳаёт бўсағасига қадам қўйганимизга қадар уларнинг чексиз меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўламиз.

2 СИЁСАТ

5 МАЪНАВИЯТ

8 КЎЗГУ

● **ХАБАРЛАР**

Матбуот хизматлари фаолиятига бағишланди

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Андижон ҳудудий бўлими томонидан "Матбуот хизматларининг давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг очик ва ошқоралигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти" мавзусида семинар ташкил этилди.

Семинарда Президентимиз томонидан илгари сурилган Концепцияда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари матбуот хизматлари фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш, уларнинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини кучайтириш, давлат ҳўкимияти ва бошқарув органлари веб-сайтларини яратиш ва муваффақиятли ишлашини таъминлаш масалалари хусусида атрафлича сўз юритилди.

Аҳоли иш билан таъминланмоқда

Жорий йилнинг бошидан бўён Кегейли туманида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаларида 300 нафарга яқин фуқаро иш ўрнига эга бўлди.

Қувонарлиси, уларнинг аксариятини хотин-қизлар ва ёшлар ташкил этади. Кегейли қурилиш ва ахборот технологиялари касбухона коллежида ўтказилган навбатдаги меҳнат бозорида йигирмага яқин корхона ва ташкилот, фермер ҳўжаликлари ўзларида мавжуд бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Ярмаркада 73 кишига ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

Интернет-фестиваль — 2012 яқунланди

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида UZ миллий домени интернет-фестивали ғолибларини мукофотлаш маросими бўлиб ўтди.

Фестивалнинг танлов дастури 10 та мавзуга оид ва 3 та махсус номинацияни ўз ичига олди. Бу йилги танлов дастурига ҳар бир мавзуга оид 10 номинация иштирокчилари учун www.uz миллий излаш тизимининг махсус мукофотлари ҳам киритилди. Ушбу махсус номинацияда маълум вақт ичида ҳар бир номинация иштирокчилари орасида энг кўп балл тўплаган 10 та сайт ғолиб деб топилди. 2012 йилги фестивалнинг аввалгиларидан фарқи шундаки, унда янги "Оила учун энг яхши сайт" махсус номинацияси ҳам жорий этилди.

● **ПАРТИЯ ЛОЙИХАСИ**



Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони

ЎзМТДП ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН РЕСПУБЛИКА КўРИК-ТАНЛОВИ ЮКСАК ИҚТИДОР ЭГАЛАРИНИ КАШФ ЭТДИ

Аёл. Бу муқаддас зотнинг гўзаллиги, латофати ва айниқса, донолиги олдида не-не зотлар бош эзмаган дейсиз. Аёл, аввало, келажак авлодларнинг яратувчиси сифатида улуғланган. У тарбиялаб, юрт хизматида шай қилиб вояга етказган фарзандларнинг ютуқлари унинг машаққатли меҳнатлари самарасини белгилайди.

Таъкидлаш жоиз, истиқлол йилларида мамлакатимизда хотин-қизларга берилаётган юксак эътибор туфайли улар жамият ҳаётининг барча жабҳаларида иқтидор ва имкониятларини намоён қилмоқдалар. Бугун ўзбек аёли она сифатида фарзандларини соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаётган бўлса, жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга муносиб ҳисса қўшмоқда.

3-бет

● **1 ОКТАБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ**

Устозлар фидойилиги — ворислар камоли

Устоз!.. Бу калом замирида ёш қалбларни маърифат ва эзгулик ёғдуси билан мунаввар этадиган, уларни ҳаётга йўллайдиган, жонсуяр ўқитувчи ва муаллимларнинг тинимсиз меҳнати, самимий меҳр туйғулари мужжасам. Устозлар ёш авлоднинг билимли, заковатли, етук бўлиб вояга етиши, эртанги кунини ўзлари барпо этувчи, улў ишлар давомчиси ва уни юксак поғоналарга олиб чикувчи баркамол ёшларни тарбиялашдек улў вазифани ўз зиммасига олган инсонлардир. Мустақиллик йилларида маънавий юксалишимизнинг фидойилари бўлган устозларга юксак ҳўрмат ва эҳтиром кўрсатиб келинаётимиз. Мамлакатимизда 1 октябр санои — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши устозларга бўлган юксак эътирофдир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда нафақат ёшларимизнинг илм олиши учун моддий, маънавий, ҳуқуқий асослар, шу билан бирга, устоз муаллимларнинг эмин-эркин ва самарали билим беришлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Замонавий техника билан жиҳозланган синф хоналари, аудиториялар, лабораториялар уларнинг иштиёрига берилди, компьютерлар билан таъминланди. Спорт майдончалари барпо этилди. Бунинг ижобий самараси

ўларок, фарзандларимиз биллимли, заковатли, ўз ватанини севадиган, юксак даражада тарбияланган ёшлар бўлиб вояга етмоқда. Келажакимиз эгалари тўғри ва эзгулик йўлига йўналтирилди, эртанги кунга ишонч руҳи шаклланди. Бундай маънавий эврилишимиз, самарали ва улў ишлар замирида фидойи устоз-мураббийлар меҳнати ётади.

2-бет

● **ФРАКЦИЯ ХАЁТИ**

Давлат бюджети

2012 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДАГИ ИЖРОСИ КўРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2012 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди. Унда фракция аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари, экспертлар, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари М.Мирзаев ахборот берди.



Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 19 январдаги Вазирлар Маҳкамаси мажлисида белгилаб берган 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари доирасида тизимли ва мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида 2012 йилнинг биринчи ярим йилли-

гида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8,1 фоизни ташкил этган. Жумладан, макроиқтисодий кўрсаткичларга эришишни таъминлаш, иқтисодиёт ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини кучайтириш, ишлаб чиқаришни, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфраструктурасини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича инвести-

2-бет

● **ТАҲЛИЛ**

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Ҳаракат дастурида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, давлат рамзлари — байроқ, герб ҳамда мадҳияни умуммиллий ғурур сифатида улуғлаш ва ардоқлашни долзарб вазифалардан бири сифатида белгилаган.

Давлат рамзлари — Ватан тимсоллари

Давлатимиз байроғининг бинолар олдида ҳилпираб турганини ёки тасвири туширилган ҳўлатларни кўриб кўзимиз қувнайди, қалбимиз ифтихорга тўлади. Албатта, давлат рамзларидан фойдаланишнинг тартиб-қоидалари, ҳуқуқий асослари мавжуд. Унга риоя қилишда нималарга эътибор беришимиз керак? Ана шу мақсадда жорий йилнинг май ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси аъзоларидан тузилган депутатлик ғуруҳи "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг давлат герби тўғрисида"ги қонунларнинг Тошкент шаҳридаги ижроси юзасидан назорат таҳлилни амалга оширди.

5-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



СИЁСАТ

● ФРАКЦИЯ ҲАЁТИ

Давлат бюджети

2012 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси кўриб чиқилди



(Давоми. Боши 1-бетда)

қувватлашни қўйиб қўйиш ва оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга қаратилган қонунчилик ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши. Жумладан, оилавий қорхонанинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, меҳнат муносабатлари ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашни юридик жиҳатдан мустақил қилди.



«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ҳисобот даврида оилавий тадбиркорликни иқтисодийнинг турли соҳаларида рағбатлантириш, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунчилик қабул қилинди.

ва шаҳар посёлкаларида кўп хонадонли уйлари қуриш ва реконструкция қилиш дастури тасдиқланди. Биринчи ярим йиллик давомида ёш оилаларга умумий қиймати 14 млрд. сўмлик имтиёзли истеъмол ва ипотека кредитлари, жумладан, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун микрокредитлар ажратилди. Умуман, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини амалга ошириш учун шу йилнинг ўтган даврида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 1,1 трлн. сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

Фракция аъзолари томонидан ҳисобот даврида илм-фанни ривожлантиришга 49,0 млрд. сўм, маданият, спорт ва оммавий ахборот воситалари учун харажатлар 99,9 млрд. сўм ажратилгани ва мақсадли сарфлангани алоҳида таъкидланди. Бу эса, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг сайловолди Платформасида кўзда тутилган мақсад-муддоголарга тўла мос келади. Депутатлар шунингдек, давлат бюджетининг ижроси устидан парламент назорати самардорлигини янада тақомиллаштириш, ажратилаётган маблағлар мақсадли харажат қилиниши, ноқонуний ўзлаштириш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан қатъий чора-тадбирларни белгилаш лозимлигига алоҳида ургу берилди.

Йиғилишда фракция аъзолари томонидан билдирилган фикр-мулоҳаза ва тақлифлар атрофида кўриб чиқилди, уларнинг саволларига маълумотларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунчилик қабул қилинди. **ҚАМОЛДИН ҲОТАМОВ,** «Milliy tiklanish» мухбири

● 1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мустақиллик йилларида таълим ва тарбия, фан соҳасида асрларга тенг ишлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари «Таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойлашадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгнинг ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайдди. Мактаб, таълим-тарбия масаласи давлат ва жамият назоратида бўлиши Асосий қонунимизда белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, бу кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг иштироки ва қўллаб-қувватлашни талаб қиладиган умумий масаладир», - дея таълимнинг

жарилди. Умумтаълим мактабларини битираётган ёшларнинг академик лицей ва касб-хунар коллежларига тўла қамраб олишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Мактаб, таълим маскани қуриш энг савобли ишлардан биридир, азалдан одамлар ўчоқ бошига йиғилган мактабга йиғилиб, тадбирларни, халқ маслаҳатларини ўтказишган. Демак, мактаб «таълим ўчоғи» бўлиши билан бирга одамларни бирлаштирадиган маскан ҳам бўлган. «Дунё иморатларининг энг улуғи мактабдир» деган пурмаъно ибора мавжуд. Ана шундай дунё иморатларининг энг улуғи бўлган мактабларнинг қурилишига раҳнамо бўлган инсон эса халқнинг дуосига, иззат-икромига ва эҳтиромига сазовордир. Ҳозирги кунда олис-олис қишлоқларда ҳам мактаб, касб-хунар коллежлари бинолари қишлоқнинг кўрки бўлиб, хуснига хусн, таровати-

Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий — техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган қарор ҳам ёш авлод тарбиясига қаратилган яна бир гамхўрликнинг амалий тасдиғидир. Бу борада амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар эса ҳозирда ноқ ўз самарасини бермоқда. «Ёшларимизнинг гайратшижоатини, ўз кучига ишончини, эл юртидан гурурланиш туйғуларини кўрган, улкан мақсадлар билан яшаётганини кузатган ҳар қандай одам Ўзбекистоннинг келажиги чиндан буюк эканига ишонч ҳосил қилади», - каби мулоҳазалари ҳаётда ўз тасдиғини топмоқда. 1995 йилгача республикамиз мактаб ўқувчилари бирорта ҳам халқаро фан олимпиадаларида қатнашмаган эдилар. 1995-2011 йиллар давомида эса ўқувчиларимиз кимё, биология, физика, математика, информатика, хорижий фанлардан нуфузли танловларда қатнашиб, ҳеч кимдан кам эмаслигини дунёга намойён қилди. Иқтидорли ёшларимиз мазкур олимпиадаларда жами 244 та, шундан 20 та олтин, 49 та кумуш, 175 та бронза медални қўлга киритди. Айниқса, кимё фани бўйича Тошкентда ўтқа-

Ички талабни рағбатлантириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чўқурлаштириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 7,7 фоизга, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми 25,7 фоиз, чакана товар айланмаси ҳажми 12,5 фоиз ва пуллик хизматлар ҳажми 16,2 фоизга ўсишига кўмаклашди. Яъни ички маҳсулотда хизматлар улushi ўтган йилдаги 48,3 фоиз ўрнига 52,2 фоизни ташкил этди.

Республика ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдо-си жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида 1,2

млрд. доллардан ортиқни ташкил этди.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ҳисобот даврида оилавий тадбиркорликни иқтисодийнинг турли соҳаларида рағбатлантириш, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунчилик қабул қилинди.

Устозлар фидойилиги — ворислар камоли

аҳамияти нақадар беқиёс эканлигини таъкидлайдилар. Зеро, минг йиллик тарихимиздан маълумки, қайси замонда илму фанга, маданиятга алоҳида эътибор қаратилган бўлса, ўша замонда тараққиёт бўлган, фаровонлик юз берган, халқнинг маънавияти юксак даражага кўтарилган. Муддаомиздан воқиф қилиб, фикримиз ва эътирозимизни айтганидан бўлса, ҳеч бир замонларда таълим-тарбияга фан ва ижодга бугунги кундай эътибор бўлмаган. Ҳеч бир замонларда таълим-тарбия, фан ва ижод давлат сийосатининг устувор вазифаси этиб белгиланмаган. Ҳеч бир замонларда мамлакат юртбоши таълим-тарбия, фан ва ижодкорнинг меҳнатини қадрлашга бунчалик гамхўрлик кўрсатмаган.

Айниқса, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» уч босқичли тизим бутун дунёда эътироф этилмоқда. Унинг натижалари спортчиларимизнинг халқаро миқёсда эришаётган ютуқларида намойён бўлмоқда.

га тароват қўшиб турибди. Улар энг замонавий ўқув қуроллари ва техник воситалар билан жиҳозланган, билим олиш, таълим, тарбия, тропиш учун барча шароитлар яратилган. Бундан ёшу қарилар миннатдор бўлмоқда, аминимизки келажак авлод эса бундан ўн қарра, юз қарра зиёд миннатдор. Ёшларга берилган эътибор, албатта устоз-муаллимларга берилган эътибордир.

Мамлакатимизда ёшларни жисмонан бақувват қилиб вояга етказиш, спорт билан шуғулланишини омдалаштириш мақсадида ёшлар учун замонавий спорт заллари, бассейнлар мўҳайи этилган. Айниқса, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» уч босқичли тизим бутун дунёда эътироф этилмоқда. Унинг натижалари спортчиларимизнинг халқаро миқёсда эришаётган ютуқларида намойён бўлмоқда.

«Касбларнинг энг улуғи — ўқитувчилардир». Бу теран иборанинг мазмуни фақат мустақиллик туйғули ўзининг шаклсизмайлигига эга бўлди. Ўқитувчи-устоз ўз меҳнатидан қадр ва эътибор топди. Ўқитувчилар ва умумтаълим муассасалари ҳодимларини моддий рағбатлантириш ҳамда уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашининг сифат жиҳатдан мутлақо янги ҳодимларнинг жорий этилиши. Жумладан, Президентнинг «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада тақомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарориди ўқитувчилар маошларининг қайта кўриб чиқилиши устозлар меҳнатини қадрлашга бўлган эътибордир.

Олий таълим тизимиди амалга оширилган ишлар алоҳида эътирофга лойиқдир. Илгари вилоятларда педагогика олий ўқув юртларидан ташқари олий ўқув юртлари йўқ ҳисобиде эди. Ҳозирда мавжуд 65 та олий ўқув юртининг 32 таси шаклланди. Умумтаълим, ўрта махсус ва касб-хунар таълимининг ўз ичига олган 12 йиллик таълим тизимига ўтиш ишлари якунланди. Мамлакатимизда 1537 та ўрта-махсус, касб-хунар таълим муассасалари ва академик лицейлар барпо этилган бўлса, 9 мингдан зиёд мактабда янги қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари ба-

зилган Халқаро Менделеев олимпиадасида ўқувчиларимиз 10 та медални қўлга киритиб, биринчи ўрин соҳиби бўлдилар. Бундан ташқари Испанияда 97 та мамлакат ўртасида ўтказилган математика олимпиадасида 4 та совринли ўринни эгаллади, Франция ва Италияда ўтган халқаро кўрик-танловнинг мусиқа йўналишида голиб бўлиб, Ватанамиз байрогини банд кўтардилар. Бу эса мамлакатимизда таълим-тарбия ва илм-фаннинг қанчалик салоҳиятга эга эканлигидан далolat беради.

Жорий йилнинг 16-17 февраль кунлари пойтахтимизда «Юксак билимга ва интеллектуал ривожланиш авлодини тарбиялаш-мамлакатни барқарор тараққиёт этириш ва модернизациялашнинг муҳим шарт» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Мазкур нуфузли анжуманда турли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таълим соҳасида фаолият юритаётган таниқли мутахассислар ҳамда экспертлар иштирок этди. Дунё жамоатчилиги «Ўзбекистон таълим тизимини алоҳида таҳсинга сазовор» дея эътироф этдилар. Ўйлашимизки, бу эътирофлар фидойи устозларимизнинг меҳнатига берилган юксак баҳоқдир.

Ёшларнинг дунёқараши кенглиги, изланувчанлиги, фанларни чўқур ўзлаштираётгани, замонавий технологиялардан бемалол фойдаланаётганлиги устозларга гурур бағишлайди. Ёшларда билим олиш эҳтиёжи кучайди, диплом учун эмас, балки фақат малакали мутахассис, ўз касбининг устаси бўлсамгина ҳаётда ўзимнинг муносиби ўрнини топишим мумкин деган ақида шаклланди. Улар онгида ватан туйғуси кучайди, шу ватан меники, шу ватанин обод этиш менинг вазифам деган туйғу шаклланди. Чўқур билимга эга бўлган шогирдлар қувончини дилдан ҳис этиш эса фидойи устозларгагина насиб қилувчи бахтдир. Шогирдлар муваффақиятидан гурурланиш бахти сизни ҳеч қачон тарк этмасин, азиз устозлар!

Абдуғафур МАМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

● ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Депутатлик гуруҳи

ФАОЛИЯТИДА ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ УСТУВОР

маҳалласидаги «Ширвоқ ота» қадамжоси ва Жартепа кўрғонини даволат раҳбарлари ҳамда тарихий обидалари ҳамда зиёратгоҳларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича амалий ишлар қилинди. Шунингдек, мазкур маданий ёдгорликларни тегишли ташкилотлар томонидан доимий равишда назоратга олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Жорий «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан Ургут тумани Андак маҳалласида «Юксак маънавиятли оила — мустаҳкам жамият ва барқарор давлат таянчидир», «Маҳалла — тарбия маскани», Юқори Тегинабегим маҳалласида «Оила муқаддас даргоҳ», мавзусида давра суҳбатлари ўтказилди. Мазкур тадбирлар орқали мамлакатимизда кенчаётган демократик ўзгаришлар мазмун-моҳияти, оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий ахлоқий аҳамияти, қадр-қиммати, унга миллий манфаат нукати назардан ёндашиш тўғрисида тушунчалар берилди.

ЎзМТДП Марказий Кенгашнинг VII пленумида тақдим этилган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш милли» Дастурининг ижроси ҳолатини ўрганиш, «Миллий хунармандчиликни ривожлантириш борасида қабул қилинган» қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг жойлардаги ижросини ўрганиш ва «Худудда туризмни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар» мавзусини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессиялари-

да ташаббус-масала сифатида олиб чиқишни асосий вазифа қилиб қўйди. Дарҳақиқат, Ургут туманида 12 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 102 та маҳалла фуқаролар йиғини, 138 та мактаб, 28 та мактабгача таълим муассасаси, 20 та касб-хунар коллежи, 1 та академик лицей мавжуд. 2011 ва 2012 йилнинг 1 чораги давомида Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Президент қарор ва фармонлари, Ҳукумат қарорларининг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш юзасидан 600 дан ортиқ учрашув, давра суҳбатлари ўтказилди. Бундан асосан «Маънавият тарғиботи маркази» туман бўлими ҳамда Самарқанд давлат университети профессор ўқитувчилари жалб этилди. Шунингдек, туман ҳокимлиги ташаббуси билан академик лицей ва касб-хунар коллежлари талабалари ўртасида «Сиз Қонунни биласизми?» кўрик танловлари ўтказилди.

Ўтказилган тадбирлар аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида сиёсий-ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, уларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларга нисбатан дахлдорлик туйғусини шакллантиришда муҳим

аҳамият касб этмоқда.

Эътироф этиш жоизки, ўтган давр мобайнида Ургут туман Кенгаши сессиялари кун тартибига киритилган масаладан 1 таси партиянинг депутатлик гуруҳи ташаббуси билан амалга оширилди. Хусусан «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастур»нинг ижроси депутатлик гуруҳи томонидан ўрганилиб Халқ депутатлари Ургут туман Кенгаши сессиясига киритилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Юртимизда халқ фаровонлиги, тинчлигини таъминлаш, аҳоли даромадлари барқарорлигига эришиш юзасидан кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу боис депутатлик гуруҳимиз Давлат дастурлари ижросини ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасида белгилаган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда бажаришга интилоқда.

Пўлат БОТИРОВ, Халқ депутатлари Ургут туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат, партия депутатлик гуруҳи раҳбари

ЎзМТДП www.mt.uz веб-сайтида янги рукн — «Депутат минбари» очилди.

Энди сиз партия веб-сайтида партия ҳаёти ва партия қурилишига оид янгиликлар, таҳлилий-танқидий мақола-лар билан бирга мазкур рукн орқали ЎзМТДП фракцияси ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари аъзоларининг мақолалари билан ҳам танишиб бориш имкониятига эга бўласиз.

ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

ПАРТИЯ ЛОЙИХАСИ



Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони

ЎЗМТДП ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ЮКСАК ИҚТИДОР ЭГАЛАРИНИ КАШФ ЭТДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хотин-қизларга оид давлат сиёсатининг изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилиши аёлларнинг ислохотлар жараёнидаги иштирокини янада кучайтириб юборди. Хусусан, "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармонлари хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий иқтисодий ва маданий жабҳаларида муҳим масалаларни ҳал қилиш, давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини оширишга хизмат қилмоқда.

"Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси хотин-қизларнинг жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий қадриятларни, халқ аъналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнларида тўлақонли ва фаол иштирокини таъминлашга кўмаклашишни ўзининг асосий мақсадларидан деб билади. Ушбу йўналишдаги ишларни аниқ лойиҳалар орқали амалга оширишмоқда.

"Донолик ва ташаббускорлик - сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловини ҳам партиянинг йирик лойиҳалари сирасига киритиш мумкин. Мазкур танлов ЎЗМТДП дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, юксак билим ва малакага эга бўлган оқила хотин-қизларнинг сиёсий ва ҳуқуқий ташаббусларини рағбатлантириш, сиёсий етакчилик мезонини янада ошириш мақсадида ўтказиб келинмоқда. Партия Марказий Кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан 2009 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур нуфузли кўрик-танлов партия аъзолари

орасидан кўлаб юксак билим ва иқтидор соҳибларини кашф этмоқда.

Маълумки, "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловининг туман ва шаҳар босқичлари партия ҳудудий ташкилотлари томонидан апрель ойида бўлиб ўтди. Туман ва шаҳар босқичларидан муваффақиятли ўтиб, голибликни қўлга киритган қизлар танловнинг вилоят босқичида иштирок этдилар. Бу йил ҳам ҳудудий босқичларда мингдан ортиқ хотин-қизлар ўзларининг интеллектуал салоҳиятларини синовдан ўтказишди. Қарийб икки ой давомида бўлиб ўтган танловнинг ҳудудий босқичларида ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиб келаётган, ёши йигирмадан кам бўлмаган, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг аъзоси бўлган хотин-қизлар иштирок этдилар.

Ўзбек миллий академик драма театрида бўлиб ўтган "Донолик ва ташаббускорлик - сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловининг республика босқичида ЎЗМТДП Марказий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят Кенгашлари фаоллари, "Аёллар қаноти" етакчилари, ёшлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирни ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ахтам Турсунов кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди: — Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан инсон ҳуқуқларини таъминлаш, айниқса, ёшлар ва аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида белгиланди. Хусусан, хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Биргина Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига номзод кўрсатишда ҳар қайси партия томонидан хотин-қизларга камида 30 фоиз ўрин ажратилишининг қонун билан мустаҳкам-

лаб қўйилгани ҳам аёлларга бўлган эътиборнинг намунаси. Эътироф этиш жоиз, бу жараёнда мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этмоқдалар. ЎЗМТДП ҳам ўз сафида мамлакатимизнинг оқила, зукко, ташаббускор, сиёсатчи ва олима аёлларини бирлаштиришни мақсад қилган. ЎЗМТДП сафидаги сиёсий етакчилик партияимизнинг миллий қадрият, урф-одат ва аъналарини асраб-авайловчи ва қўллаб-қувватловчи вакиллари.

Айтиш мумкинки, биз партияимиз ишини турли лойиҳалар орқали бошқаришга ўтганмиз. Бу лойиҳаларнинг энг йириги ва муҳими "Донолик ва ташаббускорлик сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловидир. Танлов бир неча йиллардан буён партияимиз аъзолари орасидан ижтимоий-сиёсий фаол хотин-қизларни кашф этмоқда. Улар партиянинг гоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилишда ўзларининг ҳақиқий сиёсий етакчиликларини намойён қилмоқдалар. Танловнинг нуфузи йилдан йилга ортиб бораётганини мамнуният билан айтиш жоиз. Дастлабки йилларда ёш, тажрибасиз қизлар иштирокини кузатган бўлсак, бугун улар орасида маҳаллий Кенгаш депутатлари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ва партияимиз етакчилари бор. Демакки, бугун мингга қизлар ичидан голиб чиққан 14 нафар қизимиз бор билим ва иқтидорини вилоят хотин-қизларнинг вакили сифатида намойён қиладилар, - деди партия раҳбари.

Кўрик-танлов давомида мамлакатимизнинг барча ҳудудидан республика босқичига етиб келган 14 нафар иштирокчи учта шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Ўзини таништириш шarti иштирокчиларнинг йиллар давомида қўлга киритган ютуқлари, умуман, ўзлари ҳақида маълумот берган бўлса, иккинчи сиёсий-ҳуқуқий савол-жавоблар шarti уларнинг сиёсий саводхонлигини синовдан ўтказишга имкон яратди. "Агар мен депутат бўлсам" шarti орқали иштирокчилар бўлажак депу-

тат сифатида ишлаб чиққан лойиҳаларида ЎЗМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда халқимизнинг миллий урф-одатларини асраб-авайлаш, ривожлантириш, ёшларда миллий гурурни шакллантириш, мафкуравий хуружларнинг олдини олиш, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, миллий хунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш каби долзарб масалаларни акс эттиришга ҳаракат қилишди.

Тадбир давомида иштирокчиларнинг ҳар бир қизиқиш ҳакамлар жайҳати томонидан баҳолаб борилди. Қизгин ва мурасасиз ўтган баҳслар якунида Навоий вилояти вақиласи Дилшода Воҳидова биринчи ўринга сазовор бўлган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси вақиласи Наргиза Кушназарова иккинчи ва самарқандлик Ольга Козлова учинчи ўринга лойиҳа деб топилди.

— Танловнинг барча шартларида иштирокчилар партия дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни акс эттирганликлари алоҳида эътиборга лойиқ, - деди ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари, ҳакамлар жайҳати раиси Ж.Сафоев. — "Энг ташаббускор иштирокчи", "Энг зукко иштирокчи", "Энг билимдон иштирокчи", "Энг билимдон иштирокчи" ва "Кучли сиёсий билим эгаси" номинациялари бўйича голибликни аниқлаш осон бўлмади. Чунки, қизларнинг барчаси иқтидорли ва зукко. Уларнинг барини голиб дейиш мумкин. Умид қиламизки, вилоят шарафини ўзининг ҳақиқий донолиги, ташаббускорлиги билан ҳимоя қилган қизларимиз келажақда партия ишида фаоллик кўрсатиб, унинг мақсад ва вазифаларини кенг жамоатчиликка етказишда бизга кўмакдош бўладилар.

Ҳали ва совриндорлар ЎЗМТДП Марказий Кенгашининг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Дилшода ВОХИДОВА,
"Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" республика кўрик-танлови голиби, Навоий вилояти:


— Мазкур лойиҳа партияимиз сафидаги хотин-қизларнинг ҳар томонлама билими, етакчи ва ташаббускор бўлиши, қонунлар, Президент асарлари, нутқлари ҳамда давлат дастурларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тарғиб қилишда аёллар фаолиятини оширишга хизмат қилмоқда. Қолаверса, лойиҳа партиявий фаолиятимизда, ЎЗМТДП мақсад ва вазифаларини кенг жамоатчиликка етказишда замонавий сиёсий технологиялардан унумли фойдаланишни ўргатди. Шунингдек, мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар моҳиятини аҳоли орасида тушунтириш, тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу жиҳатлар партия хайрихоҳлари сафини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.



лаб чиқдим. Мазкур тақлиф ҳозирда тегишли ташкилотлар томонидан ўрганилмоқда.

Ольга КОЗЛОВА:
учинчи ўрин соҳиб, Самарқанд вилояти:

— Юртимизда мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур йўналишда қатор қонунлар, қонуности ҳужжатлари ва давлат дастурлари қабул қилинди. ЎЗМТДП томонидан ҳам аёлларнинг сиёсий фаолиятини ошириш, жамият ҳаётида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларга дахлдорлик туйғусини янада кучайтириш, уларда эркин фикр ва мустақил позицияни шакллантиришга қаратилган қатор тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Мазкур лойиҳа ҳам партия дастурий мақсад ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда аҳоли, айниқса, аёлларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаб, дунёқарашларини кенгайтириш билан бирга, ватани, халқи билан фахрланиш, унга муносиб фарзанд бўлишга чорлаши билан аҳамиятлidir.



Райҳон БОБОМИРЗАЕВА,
ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси бош ҳисобчиси, кўрик-танлов ҳакамлар жайҳати аъзоси:

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" республика кўрик-танлови хотин-қизларнинг маънавий, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини шакллантириш, улар орасидан истеъдодларни кашф этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлidir.

Танлов низомига кўра, иштирокчилар ўзини таништириш шartiда ҳар бир минтақага хос бўлган миллий қадрият, аъна ва урф-одатларини шеър ва сахна кўринишлари воситасида ифода этишга ҳаракат қилдилар. Савол-жавоб ва агар мен депутат бўлсам шартларидаги чиқишларида эса ўз иқтидорлари ва салоҳиятларини намойиш этишда замонавий сиёсий технологиялардан оқилона фойдаландилар. Энг муҳими, партия Марказий Кенгаши томонидан бундай лойиҳаларни кенг қамровда ташкил этилиши ЎЗМТДП кадрлар захирасини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳакима НАЗАРОВА,
ЎЗМТДП Зангиота туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси:

— Партия Марказий Кенгаши томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур лойиҳанинг нуфузи йилдан-йилга ортиб, унда иштирок этишни хоҳловчилар сони тобора кўпайиб бормоқда. Жумладан, жорий йилда Зангиота туманида 200 дан ортиқ хотин-қизлар танловнинг туман босқичида иштирок этди. Аҳамиятлиси, келгуси йилда танловда иштирок этишни ният қилган 30 дан ортиқ хотин-қиз республика босқичи бевосита томоша қилиш ва тажриба орттириш мақсадида пойтахтга келди. Ўрни келганда айтиш лозимки, бу каби лойиҳалар аҳоли орасида ЎЗМТДП хайрихоҳлари сафини кенгайтиришда муҳим восита бўлмоқда. Хусусан, ЎЗМТДПга аъзо бўлишни мақсад қилган 300 дан ортиқ фуқаро партия туман Кенгашига мурожаат қилган.

Шоҳида ДАМАНОВА,
Эргаш ХҲЖАЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбирлари

БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

Партия дастурий мақсад ва ғоялари

ТАРҒИБОТИДА КҮЙИ БЎҒИН ФАОЛЛИГИ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

Мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат жараёни кечаётган айни пайтда ҳар бир сиёсий куч дастурий мақсад ва ғоялари доирасида ўз электорати манфаатларини дадил туриб ҳимоя қилишга ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ҳар бир партия аъзосининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш масаласига бирламчи вазифа сифатида ёндашмоқда. Бундай масъулиятли вазифаларнинг бажарилишида эса, албатта, жойлардаги бошланғич партия ташкилотларининг ташаббускорлиги ва фаоллиги муҳим аҳамият касб этади.

ЎЗМТДП Навоий вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида 8232 нафар партия аъзосини бирлаштирган 220 та БПТ юртимизда кечаётган изчил ислохотлар жараёнида фаол ишти-

лик кўрсатаётган күйи бўғинлар сирасига қиради. Мазкур ташкилот фаолиятини бошлаганида унинг аъзоси сони атиги 10 нафар эди. Самарали иш ва тинимсиз ҳаракатлар натижасида айни пайтда күйи бўғин аъзоси қарийб 100 нафарга яқинлашди.

— ЎЗМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни давр талаблари асосида ташкил этиб, миллий истиклол ғояларини ёшлар онгига синдириш, хусусан, партиянинг почтаси очик акциядорлик жамияти Навоий филиали Қизилтепа почта алоқа тармоғи қошида ташкил этилган бошланғич ташкилот партиянинг дастурий мақсад ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилишда фаол-

лигини оширишга қаратилган кўлаб тадбирлар амалга оширилди. БПТ фаоллари халқ депутатлари туман Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар ва қатор ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳалалардаги ёш оилалар ҳар томонлама қўллаб-қувватлашиб, уларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатилмоқда.

— Мазкур күйи бўғин фаолиятининг эътирофи жиҳати тадбирлар самарадорлигига эришганида, - дейди ЎЗМТДП Қизилтепа туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Турсунпўлат Мухаммедов. — Хусусан, жорий йилда БПТ ташаббуси билан тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинларида 30 дан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. "Истиклол ва миллий қадриятлар", "Мустаҳкам оила — жа-

миятимизнинг ҳал қилувчи кучидир", "Миллий хунармандчилик — миллий қадрият, уларни ривожлантиришда партиянинг ўрни" мавзусидаги тадбирлар шулар жумласидандир.

— Хизмат вазифамиз туфайли бевосита аҳоли билан ишлаймиз, уларнинг дарду-ташвишларига шерик бўламиз, - дейди БПТ етакчиси М.Қулматов. — Касбий фаолиятимиздаги мана шу жиҳат партиявий фаолиятимизда ҳам қўл келмоқда.

Мухтасар қилиб айтганимизда, Қизилтепа почта алоқа тармоғи қошидаги БПТ фаоллари аниқ мақсад, эзгу маслак — у ҳам бўлса, шу юрт равнақига хизмат қилиш учун доимий ҳаракатдалар.

Ўралоқ ТУРДИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Фарғона вилоят Кенгаши ҳамкорлигида давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" номли китобини ўрганиш юзасидан ўқув-семинар ўтказилди.

Президент асари ўрганилмоқда

Семинарда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотлари фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партиянинг "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" ҳамда бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этди.

"Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китоби кенг жамоатчиликка бугунги тинч, осуда кунлар қандай қийинчиликлар эвазига қўлга киритилганлиги тарихини батафсил ифода қилади. Ўқув-семинарда асосий мақсад ҳам асардаги ғояларнинг мамлакатимиз тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини яна бир бор кенг жамоатчиликка, ёшларга етказишдан иборат.

Ўртбошимизнинг ушбу тўпلامга киритилган жамики чиқишлари давлат ва жамият қурилишида бошқарув тизимига раҳбар кадрлар танлаш билан боғлиқ муаммоларни илмий таҳлил этиш, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар, жумладан, сиёсий партиялар тизимида кадрларни танлаш, раҳбар кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Китобнинг ҳар бир бўлими, ҳар бир жумласи ўқувчини мушоҳадага чорлайди. Аҳамиятисиз, ушбу китобга киритилган ҳар бир чиқишларда ташвишли ва ниҳоятда масъуляти, ижтимоий ҳаёт кескин ўзгараётган, тарихий бўлиши ҳодисалари рўй бераётган даврнинг руҳи ва албатта унда халқнинг,

мамлакатнинг тақдири ҳал этилган воқеаларга ургу берилди.

ЎзМТДП Дастурида партия жамиятининг маънавий-ахлоқий асосини миллий ғоя ташкил этиши тўғрисидаги концепцияни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши, миллий ғоя асосида ва буюк келажак йўлида мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллатларнинг бирлашишига, фуқароларни ватанпарвар ва ўз мамлакатининг тақдири учун масъул бўлишга ундашга ҳар томонлама қўмаклашиши устувор вазифалардан бири этиб белгиланган.

Семинарда партия фаоллари ўтган 21 йил мобайнида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилган туб ислохотлар ва уларнинг самаралари, миллий кадрият, аъна ва урф-одатларимиз шаклланиб, сайқалланадиган муқаддас даргоҳдир. Шу боис азалдан юртимизда инсонийлик, меҳр-муҳаббат, оқибат ва одоб-ахлоқ каби эзгу фазилатлар мужассамлашган оила кадриятлари ардоқланиб келинган.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда аҳоли турмуш тарзини юксалтириш, халқ фаровонлигини таъминлаш, оилалар барқарорлигига эришиш йўлида кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилмоқда. Оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан қатор қонулар ва давлат дастурлари қабул қилинди. Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан ҳам дастурий мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда жамоатчилик, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида тарғибот тадбирлари мунтазам ташкил этилмоқда.

ЎзМТДП Куйичирчиқ туман Кенгаши томонидан "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шиори остида "Юксак маънавиятли оила орқали юк-



ЎзМТДП Ташкилотларида

Маънавиятли оила

ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИДИР

Оила ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлиги рамзи бўлиши билан бирга, миллий кадрият, аъна ва урф-одатларимиз шаклланиб, сайқалланадиган муқаддас даргоҳдир. Шу боис азалдан юртимизда инсонийлик, меҳр-муҳаббат, оқибат ва одоб-ахлоқ каби эзгу фазилатлар мужассамлашган оила кадриятлари ардоқланиб келинган.

маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

— Оила — жамиятнинг ажралмас, энг муҳим бўғини эканлиги барчамизга маълум, — дейди ЎзМТДП Куйичирчиқ туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси А.Халиқова. — Шу боис партиямиз томонидан оила институтини, энг аввало, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш; уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қўмаклашиш борасида турли давра суҳбати, семинар-тренинг ва кўрик-танловлар ташкил этилмоқда. Мазкур тадбир ҳам ана шундай эзгу мақсадлар рўйбега қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда аҳоли турмуш тарзини юксалтириш, халқ фаровонлигини таъминлаш, оилалар барқарорлигига эришиш йўлида кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилмоқда. Оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан қатор қонулар ва давлат дастурлари қабул қилинди. Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан ҳам дастурий мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда жамоатчилик, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида тарғибот тадбирлари мунтазам ташкил этилмоқда.

ЎзМТДП Куйичирчиқ туман Кенгаши томонидан "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шиори остида "Юксак маънавиятли оила орқали юк-

дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда жамоатчиликка етказиш, хусусан, оила энг эзгу кадриятлардан бири эканлиги ҳаётий мисоллар орқали тарғиб қилиш лозимлигини таъкидлади. Бунда оила ва маҳаллалар билан алоқани янада мустаҳкамлаш мақсада мувофиқлигига алоҳида эътибор қаратилди. Бундан ташқари мамлакатимизда оила мустаҳкамлиги масаласига умумдавлат миқёсида эътибор қаратилганлиги унинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий вазифалар тизимидаги ўрни ва аҳамияти юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир сўнггида ЎзМТДПга аъзо бўлиш мақсадида, партиянинг туман Кенгашига ариза билан мурожаат қилган фуқароларга партия аъзолари гувоҳномалари топширилди.

Баҳодир ХОЛМАТОВ,
ЎзМТДП Тошкент вилояти Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ходими

ПАРТИЯ ХРОНИКАСИ

Миллий тарбия маскани

УНИНГ КАДРИЯТЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚЎМАКЛАШИШ УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ

БУХОРО

ЎзМТДП Олот туман Кенгаши ва "Ёшлар қаноти" томонидан "Глобаллашадиган дунёда Ўзбекистон ёшларининг ўрни" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, "Талқонсайёт" ҚФЙ фаоллари, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ходимлари ва ёшлар иштирок этди.

— Юртимизда истиқлолнинг илк кунларидан ёшлар жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллашлари учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилди, — деди ЎзМТДП туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Ф.Нарзуллаев. — Мазкур йўналишда қўллаб-қувватлаш ва давлат дастурлари қабул қилинди. Миллий кадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда келгуси авлодларга бекам-кўст етказиш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини янада оширишга қўмаклашишни мақсад қилган ЎзМТДП томонидан ҳам бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур тадбир ҳам ана шундай мақсадлар рўйбега қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Тадбирда ёшларга аждодларимизнинг баشارий цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини тушунтириш, юртимиз нури келажакга йўлида амалга ошириладиган ислохотлар самараси, эртанги кунимиз кўп жиҳатдан келажак авлодларга боғлиқ эканлиги таъкидланди.

Тадбир доирасида ёшлар томонидан истиқлол, она Ватан ва мустақилликни мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлар ижро этилди.

САМАРҚАНД

Оила институти ва унинг кадриятларини янада мустаҳкамлаш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий саводхонлигини юксалтиришга қўмаклашишга Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

ЎзМТДП Оқдарё туман Кенгаши, туман хотин-қизлар кўмитаси, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш тўғрисида, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими, туман ФХД бўлими билан ҳамкорликда "Ёш оилалар мустаҳкамлигини таъминлашнинг маънавий, ҳуқуқий асослари" мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Тадбирда ёш оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий билимларини кучайтириш, оилада соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда хотин-қизларнинг ўрни ва нуфузини оширишга қўмаклашишда маҳалла ва жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликнинг аҳамиятли жиҳатлари хусусида сўз юритилди.

Тадбир якунида иштирокчилар "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиш, намунали оилалар ҳаётий тажрибаларини ўрнатиб кўрсатиш ҳамда бундай тадбирларни худуднинг олис қишлоқларида ҳам ташкил этишга келишиб олишди.

СИРДАРЁ

ЎзМТДП Сирдарё туман Кенгаши Маънавият тарғибот маркази туман бўлими билан ҳамкорликда "Тақдиримсан, бахтимсан эркин ва обод ватан" шиори остида "Маҳалла — бетакрор миллий ва демократик кадриятлар маскани" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши вакиллари, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими ходимлари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этди.

— Халқимизнинг бой ва бетакрор маданий, маънавий, ахлоқий ҳамда миллий анъаналарига таянган ҳолда фуқароларни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қўмаклашиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг устувор вазифалари сирасига қиради, — деди ЎзМТДП Сирдарё вилояти Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони мутахассиси М.Бегалиев. — Шу боис, партия туман Кенгаши томонидан миллий кадрият, аъна ва урф-одатларимиз, ота-бобларимиздан мерос моддий-маънавий бойликлари асраб-авайлаш ҳамда келажак авлодларга бус-бутун етказишга қўмаклашишга қаратилган қатор тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, ёш оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий билимларини кучайтириш, жисмонан ва маънан етук баркамол авлодни тарбиялашда партия томонидан ташкил этиб келинаётган турли давра суҳбати ва тарғибот тадбирлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ийгилиш сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олди.

ҚАШҚАДАРЁ

Юртимизда оила манфаатларини ҳимоялашнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий асосларини умуминсоний ва миллий кадриятлар муштараклигида янада бойитиш, чўқур билимли, касб малакаси шакланган, маънан ва жисмонан соғлом авлодни вояга етказиш юзасидан кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада ЎзМТДП томонидан ҳам қатор тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

ЎзМТДП Ғузур туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси томонидан "Оилам тинчлиги — юртим тинчлиги" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Таъкидланганидек, жорий "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган изчил ислохотлар демократик давлат, фаровон ҳаёт қуриш каби эзгу мақсадларни рўйбега чиқаришда оила институтини янада мустаҳкамлаш, бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш оилалар мустаҳкамлигига эришиш, фарзандларимизнинг сиёсий, ҳуқуқий маданияти шаклланишида муҳим аҳамият касб этди.

Тадбирда миллий кадриятларимизни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятда юксак маънавий муҳитни қарор топтиришда оиланин ўрни ва аҳамиятини ошириш борасидаги фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Давра суҳбатида партия туман Кенгаши фаоллари, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими ҳамда Қўштепа ҚФЙ ходимлари иштирок этди.

Эргаш ХҲҲАЕВ,
"Миллий тикланиш" мухбири

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНКИД

Яратилган имкониятлар

АМАЛИЙ ФАОЛИЯТДА ҚАЙ ДАРАЖАДА ТАСДИГИНИ ТОПМОҚДА?

ёшларни миллий кадриятларимиз руҳида тарбиялаш, уларга хунар ўргатиш аънаваларини давом эттириш борасида бир қатор ишлар қилинмоқда. Айни пайтда республика "Хунарманд" уюшмаси Жиззах вилояти бошқармаси аъзолари 260 нафарни ташкил этади. Маълумотларга кўра, бугунги кунда уюшма таркибига 10 та «Устоз-шогирд» мактаблари фаолият юритмоқда. Вилоятнинг Зомин, Бахмал, Жиззах, Галларол, Фориш туманлари ва Жиззах шаҳрида бошқарма худудий бўлимлари фаолият кўрсатиши, Пахтакор, Мирзачўл, Зомин, Бахмал туманлари, шунингдек, Жиззах шаҳри бозорларида махсус хунармандлар растаси ташкил этилган соҳадаги изчил ислохотлар самараси дейиш мумкин.

Таъкидлаш жоиз, бугун Жиззах вилоятида турли йўналишларда самарали ижод қилиб, меҳнатлари орқали воҳада қадимий, миллий кадриятларимиз бардавомлигига ҳисса қўшиб келаётган, нуфузли кўрик-танловларда юқори натижаларни қўлга киритаётган уста-хунармандлар, хунарманд ёшлар кўпчилигини ташкил этади. Улар билан суҳбатлашар эканмиз, айрим хунармандларга жой ажратиш, маҳаллий хомашё, материаллар, асбоблар билан таъминлаш, кўргазма ва кимошди савдоларини ташкил қилиш, тайёр маҳсулотларини сотишда камчилик ва муаммоларга дуч келадиганликларини маълум қилишди.

Ўрни келганда айтиш жоизки, устоз-шогирд кадриятларига тўлақонли жавоб берадиган миллий, амалий хунармандчиликнинг замон талабларига мос шаклини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантиришга қўмаклашиш ЎзМТДП мақсад ва вазифалари ҳамда сайловлиди Ҳаракат дастурида илгари сурилган устувор вазифалардан саналади. Ҳўш, бу борада партия Жиззах вилояти Кенгаши ва унинг маҳаллий партия ташкилотлари томонидан қандай амалий ишлар

катлар ва ташаббусларнинг етарли эмаслигини кўрсатади. Ханузгача маҳаллий кенгашлар сессиялари кун тартибига кадриятларимиз давомчилари манфаатларини ҳимоялашга қаратилган аниқ ташаббус киритмаган.

Маълумки, ҳар бир сиёсий партия фаолияти самарадорлигини ўз электорати манфаати йўлида қилган амалий ишларида савобдор этиб бўлмайди. ЎзМТДП таянадиган ижтимоий қатламни ижодкор зиёлилар, илим-фан, маориф, маданият со-

ҳаси вақиллари, шунингдек, хунармандлар, халқ усталари ташкил этар экан, ўз навбатида, электоратимизнинг асосий вақилларида учраётган муаммолар ва уларнинг ечими партиянинг барча даражадаги ташкилотлари, депутатлик гуруҳларидан жойларда партия ижтимоий қатлами манфаатларига хизмат қиладиган амалий ишларни бажаришда фаоллик ва ташаббускорликни тақозо этади. Шунингдек, таъкидлаш керакки, жорий йилнинг март ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгашининг VII-пле-

Таъкидлаш жоиз, бугун Жиззах вилоятида турли йўналишларда самарали ижод қилиб, меҳнатлари орқали воҳада қадимий, миллий кадриятларимиз бардавомлигига ҳисса қўшиб келаётган, нуфузли кўрик-танловларда юқори натижаларни қўлга киритаётган уста-хунармандлар, хунарманд ёшлар кўпчилигини ташкил этади.

руҳи томонидан "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури" юзасидан изчил ўрганишлар олиб борилди ва вилоят кенгаши сессияси кун тартибига киритилди. Ҳўлайимизки, эндиликда бизнинг хунармандлар, яъни партия электоратини ўйлантираётган баъзи муаммолар борасида партия вилоят Кенгаши, фаоллари ва депутатлар томонидан жадал ишлар қилинади ва соҳа тараққиётига тўсик бўлаётган айрим масалалар ўз ечимини топади.

Дилноза ХҲЙТОВА,
"Миллий тикланиш" мухбири

Юртимизда барча соҳаларда бўлгани каби миллий хунармандчилик соҳасини янада тараққий топтириш борасида кенг қўллаш ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги «Халқ бадиий хунармандчиликлари ва амалий санъатини ривожлантиришнинг давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида асосан халқ усталари, хунармандлари, мусаввирларнинг «Хунарманд» уюшмаси ташкил этилди. Бугунги кунда уюшманин 13 та худудий бошқармаси ҳамда 150 дан зиёд бўлимлари мавжуд.

Мамлакатимизда соҳа фаолиятини ривожлантиришга бериладиган юксак эътиборнинг намунаси сифатида хунармандларнинг солиқ ва божона тўловларидан озод қилиниши, тизимини янада рағбатлантириш мақсадида қатор имтиёзларнинг жорий этилишини келтириб ўтиш ўринли.

Айтиш керакки, заргарлик, кулолчилик, бешикчилик, сандиқдорлик, каштачилик, тандирчилик, зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги каби хунармандчиликнинг қатор йўналишларида бой тарих ва юксак салоҳиятга эга Жиззах воҳасида ҳам бугунги кунда миллий хунармандчиликни янада ривожлантириш,

Давлат рамзлари — Ватан тимсоллари

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлат байроғи тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасида белги-ланган ташкилотларнинг акса-риятда қонун талаби ижро эти-лаётганлиги баробарида Соғлик-ни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси, Интеллектуал мулк агентлиги, Яккасарой ту-мани ҳокимлиги, Ҳамза, Учтепа туманлари прокураторларидан мазкур талаб бажарилмаганли-ги аниқланган.

Назорат-таҳлил жараёнида баъзи бинолар олдида давлат байроғи кўтарилмаган. Бунинг акси эса "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, Телерадио компаниянинг Тошкент радиозашитириш уйи, Тошкент фармацевтика, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт, Тошкент кимё-техноло-гия институтлари, Банклар асо-циацияси, Тошкент шаҳар теле-фон тармоқлари филиали марказий боғланмаси, Учтепа туманидаги Трамвай депоси би-ноларида байроқ доимий ра-вишда кўтарилган. Ушбу ҳолат-ларни мазкур модданинг 4-бан-ди (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан бел-гиланган байрам кунларида — Қорақалпоғистон Республика-си Вазирлар Кенгашининг, ви-лоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қарорлари билан белгиланган марказий кўчаларда, майдонларда, бош-қа жамоат жойларда ва объект-ларда кўтарилди)га кўра оқлаб бўлмайди. Чунки, тилга олин-ган банд талабларига мувофиқ қарорлар қабул қилинмаган.

Ҳаттоки акси бўлганида ҳам, қонуннинг 4-моддасига кўра (Ўзбекистон Республикаси Дав-лат байроғи: ушбу Қонун 5-мо-ддасининг 4-бандида назарда тутилган ҳолларда сўат 6 да кўтарилади ва боат 22 да туши-риб қўйилади) давлат байроқ-лари назорат-таҳлил олиб бо-рилган кунларда тушириб қўйилган бўлиши лозим эди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2011 йил 4 июлда қабул қилинган 381-қарориди-да давлат байроғи қонун ҳуж-жатлари билан белгиланган бай-рам кунларида шаҳардаги қай-си марказий кўчалар, май-донлар, бошқа жамоат жойла-ри ва объектларида кўтарили-

ши масаласи туман ҳокимлари зиммасига юклатилган. Шун-дан келиб чиқиб туман ҳоким-лари томонидан қабул қилин-ган қарорларда бундай объект-лар белгилаб берилмаган. Тўғри, айрим туманлар, маса-лан, Ҳамза, Юнусобод туман-лари ободонлаштириш бош-қармасида "байрамлар ва тан-таналар арафасида Ўзбекис-тон Республикасининг давлат байроғи илинадиган асосий кўчалар" рўйхати бор. Аммо бу ҳолат қонуннинг 5-моддаси 4 ва 12-бандларига зиддир. Шу-нингдек, қонунда давлат бай-роғи тантаналар арафасида эмас, балки тантанали тадбир-лар вақтида кўтарилиши аниқ белгилаб қўйилган.

Шаҳардаги турли объектлар биноларида доимий равишда кўтарилган давлат байроқлари юзасидан туғилаётган муаммо-ларнинг негизи ҳам аслида мазкур банд бажарилмаганли-ги билан боғлиқдир.

Ушбу моддада сўз давлат бай-роғининг тасвири Ўзбекистон Республикасининг асосий чега-ра белгисини англатсада Тош-кент шаҳри ва Тошкент вилояти чегарасида Тошкент вилояти ҳудудини, Бектемир тумани ҳуду-дига киришини англатишга мўлжалланган арқларда давлат байроғининг тасвири ўрнатил-ган. Назорат-таҳлил жараёнида давлат байроғининг тасвиридан фойдала-ниш қонунга зиддир.

"Солнечный" улгуржи савдо мажмуасидаги дўконларда "сунги кунгирок" тадбири учун мактаб ўқувчиларига мўлжал-ланган ленталар давлат байро-ғининг тасвирига мослаб тай-ёрланиб, "битирувчи", "выпуск-ник" каби сўзлар туширилган ҳолда сотилаётгани аниқлан-ган. Шунингдек, "Битирувчи", "выпускник" ленталаридаги сўзлар Хитойдан олиб келин-ганидан сўнг туширилганлиги маълум бўлди. Шунингдек, дав-лат байроғининг тасвири йўл ҳаракат хавфсизлиги хизмати-

га тегишли автомобилларнинг устки ён қисмларига ҳам туши-рилган. Ваҳоланки, қонун дав-лат байроғининг тасвири ав-томобилларнинг воситалари ва уларнинг тиркамаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш ра-қам белгиларига туширишни кўзда тулган.

Таҳлил жараёнида бир қанча ташкилотлар ва савдо марказ-ларидаги флагштоқда кўтарил-ган давлат байроқларининг си-фати ҳамма вақт ҳам қонун та-лабларига жавоб бермаслиги аён бўлди. Бундан ташқари, шаҳар кўчаларида ўрнатилган турли баннерларда давлат бай-роғи тасвири турлича шакллар-да, бошқа тасвирилар, жумла-дан, давлат гербининг тасви-рини тушириш орқали қўллаш жуда кўп рақат учрайди.

Вазирлар Маҳкамаси томо-нидан 1991 йил 30 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат бай-роғини тайёрлаш, сақлаш ва йўқ қилиш тартиби ҳақида" қарорда давлат байроғини тай-ёрлаш маҳаллий саноат кор-хоналари зиммасига, тайёр-ланган байроқлар сифати бўйича жавобгарлик маҳаллий саноат корхоналарининг раҳ-барлари ва техникавий назо-рат бўлими хизматига юклатил-ган. Мазкур қарорда фой-даланиб бўлмайдиган байроқ-ларни утилизация қилиш тар-тиби ҳам белгилаб қўйилган. Унга кўра утилизация ҳақидаги қарор ҳокимлар томонидан қабул қилиниши керак. Аммо мазкур иш туман ободонлаш-тириш бошқармаси ишчи хо-димлари томонидан далолат-нома асосида амалга ошири-лаётган ҳолатлари ҳам бор. Бугунги кунда давлат байроқ-ларини тайёрлаш билан шу-ғулланаётган субъектларнинг баъзиларида ишлаб чиқари-лаётган кичик флагштоқларга ўрнатилган давлат байроқла-рининг аксарияти қонунда бел-гиланган андозаларга - жавоб бермаслиги аниқланган.

Шу ўринда юқорида келтирил-ган маълумот ва фикрлар кўзга кўринмасдек туюлар, лекин гап давлат рамзлари ҳақида кетар экан, бу масалани назардан чет-да қолдиришни ўзи мумкин эмас. Давлат рамзларининг қад-р-қимматини юксакка кўтариш ва қадрлашни билиш ҳар бир фуқ-аронинг вазифасидир.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

МАЪНАВИЯТ



(ЎЗА) олган сурат.

Истиқлолдан нур олган санъат

Мустақиллик йилларида ажодларимизнинг бой мада-ний меросини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қара-тиллаётган улкан эътибор самарасида халқ амалий санъа-ти ва бадиий хунармандчилиги чин маънода маънавий мулкимизга айланди.

Самарқанд вилояти Оқдарё туманида яшовчи Жамол Эсонов миллий хунармандчилигимиз ривожига фаол ҳисса қўшаётган моҳир усталардан.

Уста яратган ёғоч ўймакорлиги намуналари бетакрорлиги ва нафислиги билан эътиборни тортади. Айни пайтда Самар-қанд шахридаги "Хунармандлар маркази"да фаолият юри-таётган уста ёшларга оддий ёғочдан санъат асарни яратиш сирларини ўргатмоқда.

1 ОКТАБРЬ — ҲИТОВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Отамдек улуғ, онамдек меҳрибон

дан тортиб, ўқиш ва ёзишгача кунт билан ўргатган беназир ин-сонлар — ўқитувчи ва мураббий-ларимиз кўрина бошлади. Улар билан тўлиб-тошиб суҳбатлаша-миз, ўғитларини, панду насиҳат-ларини эслаймиз. Мактабни, мактабдошларимизни, хотира-мизда муҳрланиб қолган ажойиб дамларни, бахс-мунозараларни ёдга оламиз. Билиб-билмай қил-ган шўхликларимизни эслаб, уялиб ҳам қўямиз. Ўқувчилик ва талабалик йилларини, тинимсиз ўқиш, ўрганиш, изланиш билан ўтказиб, обрў-эътиборли мута-хассислар бўлиб етишган дўстла-римизга ҳавас қиламиз. Имко-нолтирдан ҳар доим ҳам тўла фойдалана олмаганимиз ва энг муҳими ҳеч қачон ортга қайтмай-диган вақтнинг қадрига етмаган-лигини айтиб афсусланамиз. Бундай камчиликларимизни бар-тафайтишга ундаган, йўл-йўриқ кўрсатиб, ёрдам берган ўқитув-чиларимиз, устоз ва мураббий-ларимизни ҳеч қачон унутмай-миз. Ҳамиша ва ҳамма жойда номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Бу касб соҳибидан доимий ўқиш, янгиликни интилиш, усул ва услубни замон талабларига мослаб бориш, катта ҳаётий таж-риба, юксак интизом, масъулият ва энг яхши хислати фазилат-ларга эга бўлиш талаб этилади. Шу боис, ўқитувчилик рўтбаси машаққатли бўлса-да, шарафли касб ҳисобланади. Буюк мута-факкир бобомиз Алишер Навоий сўзи билан айтганда, "муаллим зоти эзгулик ва маърифат йўли-нинг беиннат чарғобони" бўлиб, овоз ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек буюк мақсадни амалга ошириш-да муносиб ҳисса қўшаётганли-ги моҳияти ва аҳамияти жиҳати-дан ноёб деб аталган Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури, унинг узвий давоми бўлган мактаб таъ-

лимини ривожлантириш дасту-рини тўла-тўқис рўёбга чиқариш-да янада яққолроқ намоён бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг таълим-тарбия ишига бўлган доимий эътибори-ю, ҳамхўрлиги эришадиган ютуқ-ларимизнинг асос-замини сифа-тида ёрқин кўринаётганлиги му-ҳим аҳамият касб этмоқда. Кей-инги йилларда янги қурилган, ре-конструкция қилинган ва капи-тал таъмирдан чиқарилган 1394 та замонавий касб-хўнар колле-жи, 142 та академик лицей, 9772 та мактаб, 1200 та болалар спорт иншоотлари, ўнлаб олий ўқув юрталарининг бинолари Президи-дентимиз ташаббуслари мева-сидир. Бунинг шу йилнинг фев-раль ойида мамлакатимиз пой-тахтида ўтказилган "Юксак би-лимли ва интеллектуал ривож-ланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шартини" мавзусидаги халқаро конферен-ция мисолида ҳам кўриш мум-кин. Унда 8 та халқаро ташкилот ва 48 та давлатнинг 270 нафар вакили иштирок этиб, мактаб-лар, академик лицей ва касб-хўнар коллежлари ҳамда олий ўқув юрталари ҳаёти билан яқин-дан танишиб, таълим соҳасида шаклланган самарали моделини юксак баҳолаганликлари фикри-мизнинг дохидир. Энг муҳими, таълим соҳасидаги инновация-лар кўрсаткичи бўйича Ўзбекис-тон рейтинглари рўйхатида 78,38 балл билан Ирландиядан сўнг, иккинчи ўринни эгаллаганлиги ҳар биримизга ғурур ва фахр бағишлайди.

Албатта, жаҳон ва мамлақати-миз миқёсида юксак эътироф этилган бундай ютуқларни кўп-лаб олий ўқув юрталари, академик лицей ва коллежлар ҳамда мак-табларимизда кўриб, чин дил-

дан қувонамиз. Бу эзгу ишда кат-та ҳисса қўшаётган ўқитувчи ва мураббийларимизга таҳсин-ута-саннолар айтгимиз келади. Ас-лида уларнинг камтарона меҳ-натларини ҳар қанча қадрласак, эъзозласак, уларни кўлаб-қув-ватласак, ширин сўзимизни аниқ-айтишга қўрсатсақ, узо-гини яқин, оғирини енгил қилиш-да маддадор бўлсақ ҳавас қилса арзигулик муваффақиятларимиз шунчалик кўпайиб бораверди.

Шу ўринда давлатимиз раҳ-бари Ислам Каримов "Юксак би-лимли ва интеллектуал ривож-ланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шартини" мавзусидаги халқаро конферен-циянинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида таъкидлагани-дек, "Агарки, биз ҳақиқатан ҳам муносиб авлодни тарбияламоқ-чи бўлсак, ёшларимизга таълим-тарбия бераётган инсонларга муносиб тарзда муносабатда бўлишимиз лозимлигини ҳамма-дан кўра яхшироқ тушунадиган сиз, мухтарам анжуман иштирок-чиларининг ҳузурингизда бу сўзларни айтиш менга айниқса, мамнуният бағишлайди", деган фикрларини ёдга олмоқ мақсад-га мувофиқдир.

Зотан, мамлакатимизнинг ҳар томонлама юксалишида, кучига куч, обрўига обрў қўшилишида, фарзандларимизнинг юксак маъ-навиятли ва маърифатли, элу-юрт корига камарбаста бўладиган ин-сонлар бўлиб ўлғайишлари йўли-да астойдил тер тўкаётган ўқитув-чи ва мураббийларимиз меҳнати-ни ҳеч бир нарса билан тенглаш-тириб ҳам, ўлчаб ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳам биз улар олдида умрбод қарздормиз.

Нуриддин ОЧИЛОВ,
Тошкент Молия институти
Устоз ва мураббийлар
кенгаши раиси

Отамиздек улуғ, онамиздек меҳрибон устоз ва мураббийла-римиз ҳар қанча ҳурмат ва мак-товга лойиқ. Оддий, соддадил, камтарин, самимий, меҳрибон ва олижаноб касб фидойилари. Улар туни билан мутолаа қилиб, янги, муҳим ва қимматли фикр-ларини дафтарига қайд этиб, эр-талаб яна билим даргоҳига оши-қади. Дарсга кирганда эса саҳ-нага чиққан актёр мисол ҳаяжон оғушида тўлқинланиб сўзлайди, тингловчиларни мўъжизалар би-лан ҳайратга солгиси келади.

Ўқитувчи, устоз ёки мураббий бўладими, таълим бера туриб тарбия беришни, тарбия бера туриб таълим беришни ва ҳар бир ўғил-қизни ўз фарзандидек кўриб касб-хўнар сир-синаотла-рини кунт билан ўргатишни ўзи-нинг бурчи деб билади. Шу боис, ўқитувчи, устоз, мураббий, му-аллим деган сўзларни эшитган чоғимиз ҳар биримизнинг қал-бимизни ширин хотира ва тил билан изохлаб бўлмайдиган ал-лақандай ҳис-туйғулар чулғай-ди. Кўз ўнгимизда болалик йил-ларимиз, ўқувчи ва талабалик давримиз намоён бўлиб энтиқиб ҳам қўямиз. Хотирамиз кўзгуси-да ота-онамиз каби меҳрибон, қалам ва рўқчани қандай ушлаш-

АНЖУМАН

Мустақкам оила — жамият таянчи

Ўзбекистон Бадиий академияси, Камолотдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳам-корлигида "Мустақкам оила - жамият таянчи" мавзу-сида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда инсти-тутининг профессор-ўқитувчилари, ижодкорлар, талаба-лар ва бир қатор ташкилот вакиллари қатнашди.

шаҳри, Қорақалпоғистон Рес-публикаси, вилоятлар олий ва ўрта махсус ўқув юрталари ва-килларининг 90 га яқин маъ-руза, шунингдек, бошқа бир қатор илмий-амалий чиқиш-лар тақдим этилган. Камолот-дин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн инсти-тутининг кафедра мудири Ф.Атахонова, институт доцен-ти О.Нишоновна, талабалар Ф.Мамажонова ва Д.Сапаева "Миллий либос - ижод манбаи сифатида", "Оила мустақкам-лигида миллий кадриятлари-мизнинг ўрни", "Чингиз Аҳма-

Мустақкам оила — жамият таянчи

МОЗИЙДАН САДО

Музейлар халқ тарихининг кўзгуси

Юртимиз ўтмишини, ажодларимизнинг бой маъ-навий меросини ўрганишда музейлар муҳим аҳамият касб этади. Музейлардаги ҳар бир экспонат олис мозий, ўлкамиз тарихидан сўзлайди. У халқимиз, айниқса, ёшлар қалбида бой тарихимизга исбатан фахр-ифтихор туйғуларини шакллантиради.

Истиқлол йилларида мам-лакатимизда музейлар фао-лиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаяп-ти. 1998 йил 12 январдаги "Му-зейлар фаолиятини тубдан ях-шилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги Президент Фар-мони бу борадаги ютуқларнинг кафолати сифатида хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатда юртимиз ҳудудидаги музейлар тизимини янада такомиллаш-тириш, музей фондларида сақ-лаб қелинаётган халқимизнинг бой тарихи, мустақкамлик олим-ларини акс эттирувчи нодир экспонатларни кўз қорачиғи-дай асраб-авайлаш, уларни янада бойитиш, музейларнинг моддий-техник базасини туб-дан яхшилаш ва мустаҳкамлаш, малакали музей мутахассис-ларини тайёрлаш каби маса-лаларга алоҳида ургу берил-ган. Фармон ижроси асосида юртимиздаги 1200 дан ортиқ музейларнинг моддий техник базаси мустаҳкамланди. Улар халқимизнинг энг сеvimли маънавий ташкилотларидан би-рига айланди.

Мирзачўл тарихини ўрганиш ва ўлкашунослик музейи Сир-дарё вилоятидаги йирик маъ-навий ташкилотлардан сана-лади. Музейда воҳа тарихига оид 5000 дан зиёд экспонат-лар ўрин олган. Бу ердаги экс-понатларда воҳа тарихига оид қимматли маълумотлар акс этган. Жумладан, музей экс-понатларида зардуштийлик-нинг муқаддас китоби "Авесто"да Дану, қадимги юнон тарихчилари битикларида Яхартес, Яксарт араб солно-мачилари томонидан эса Сай-хун, деб номланган Сирдарё воҳаси ва унда яшаган халқ-ларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, миллий қадриятлари ҳақида муайян маълумотлар ўрин олган. Шунингдек, буюк Темурий ҳукмдорлар Шохрух Мирзо ва Улугбекнинг воҳадаги асрлар оша қақраб ётган бўз ерларга ариқлар қаз-лаб, сув олиб келганлиги, катта ободончилик ишларини амалга оширганлиги ҳақидаги ноёб манбалар бор. Воҳа ҳуду-дидаги IX асрда Буюк ипак йўлида бунёд этилган "Сардо-ба" тарихий гўмбазини, Ховос қалъаси ва бошқа тарихий ёдгорликлар ҳақидаги қиммат-ли маълумотлар барчада катта

қизиқиш уйғотади. Музейда ҳудуднинг бой тарихи билан боғлиқ экспонатлар ҳам ўрин олган. Мамлакатимиз Президи-денти 1999 йил 10 декабрда вилоят фаоллари билан бўлган учрашувларнинг бирида вилоят тарихи ҳақида ўзининг фикр-мулоҳазаларини билдириб, "Сирдарё тарихи меҳнатқаш, мард ва фидойи, бағрикенг халқ тарихидир. Шундай экан, бу тарихни чуқур ўрганиш, би-лиш, уни холисона ёритиш ёдгорликларни кўз қорачиғи-дай асраб-авайлаш, бизнинг фарзандлик бурчимиз, кела-жак авлодлар олдидаги қарзи-миздир" деган эди. Давлати-миз раҳбарининг қимматли маслаҳатлари ва аниқ тавсия-лари асосида вилоятда воҳа тарихи, ажодларимизнинг бой меросини чуқур ўрганиш бо-расида кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Жумладан, вилоят Мирзачўл тарихини ўрганиш ва ўлкашунослик музейи биноси-да катта ҳажмдаги таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Бу ишларга 90 миллион сўм маблағ ажратилган.

— Таъмирлашдан сўнг музей биноси кўркам қиёфага кир-ди, - дейди музей директори Зокирхон Холдоров. — Тари-хий экспонатларни ҳам 10 минг-тага етказишни бўлжаллаган-миз. Айни кунда бундай атрофи-ни ободонлаштириш, музейни воҳа тарихига доир экспонат-ба" тарихий гўмбазини, Ховос қалъаси ва бошқа тарихий ёдгорликлар ҳақидаги қиммат-ли маълумотлар барчада катта

Анжуман ялпи мажлиси иш-тирокчиларнинг "Оила - давлат ва жамият муҳофазасида", "Оила - тарбия маскани", "Ба-диий таълим тизимида оила ма-салаларини ўрганишда ўрта аср миниатюра санъатининг аҳами-яти", "Мустақкам оила - жами-

ят барқарорлигининг асоси", "Мустақкам оилани шакллан-тиришининг психологик шарт-шароитлари", "Соғлом авлод-ни шакллантиришда оила му-салаларини ўрганишда ўрта аср миниатюра санъатининг аҳами-яти", "Мустақкам оила - жами-

Мазкур анжуманда Тошкент

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ЖАРАЁН

● **СПОРТ**

Ирода ва маҳорат

МУСОБАҚАЛАРДА СИНОВДАН ЎТАДИ

Тиришқоқлик ва эчкилик — спортчиларга хос фазилат. Зеро, она-Ватан шарафини халқаро арена-ларда муносиб ҳимоя қилиш, галаба сари астойдил интилиш ҳар бир спортчи учун катта шараф ва масъулиятдир. Бироқ, бунда спортчида матонат ҳам талаб этилади.

Инсон руҳан ва жисмонан тетик, бардам-бақувват бўлсагина яхши яшашга, ҳавас қилса арзигулик ишларни амалга оширишга интилади. Кувонарлиси, бугунги ёшларимиз болаликда-ноқ спортга меҳр қўйиб, ҳавас ва иштиёқ билан турли мусобақаларда иштирок этишмоқда.

Юртимизда аҳолини соғлом ҳаёт тарзига жалб қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, жумладан, ҳар бир маҳалла, мактаб ва коллеж ўқувчилари ўртасида турли спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Яқинда Фарғона вилояти, Бувайда туманидаги 23-умумтаълим мактабида спортнинг

бокс тури бўйича 2000-2001 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида туман очик биринчилиги ўтказилди.

Уч кун давом этган мусобақада Марғилон, Қувасой, Қўқон шаҳарлари, Бувайда ҳамда Ўзбекистон туманларидан жами 85 нафар ёш "чарм қўлқоп" усталари 11 вазн тоифасида голиблик учун рингга чиқишди.

— Мақсадимиз, ўқувчилар орасида соғлом ҳаёт тарзини йўлга қўйиш, дарсдан бўш вақтларини фойдали ва мазмунли ўтказиш, иқтидорли спортчиларни кашф этиш, дейди мусобақа ташкилотчиларидан бири, Тоғлиқ қишлоқ тадбиркори Абдурашид Йўлдошев. — Бувайда ҚФЙ, 23-умумтаълим

мактаб жамоаси билан ҳамкорликда бундай спорт мусобақаларини тез-тез ўтказиб тура-миз. Уюшқоқлик ва кўтаринки руҳда ўтган мусобақани Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, Қўқон бокс мактабининг фидойиларидан бири Қ.Тошматов, Пекин Олимпиадаси иштирокчиси, "Шухрат" медали соҳиби Рафиқжон Султонов бошқарди.

Абдуғаффор НОРМАТОВ, 23-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:

— Мактабимизда барча қулайликларга эга бўлган спорт зали куриб битказилди. Дарсдан бўш вақтларда ўқувчиларимиз спортнинг волейбол, футбол, кураш, бадий гимнастика турлари билан шуғулланишмоқда. Ўқувчи ёшларимиз яратиб берилаётган бундай имкониятлар тўғрисида ҳозирдан спортга меҳр қўйиб, кунт билан машқ қилишмоқда. Бугунги мусобақа уларнинг маҳорати ва иродасини яна бир карра синовдан ўтказди, десак хато бўлмайди.

Турнир якунида барча вазн тоифалари бўйича голиб ва совриндорларга ҳомий ва ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Нурали ЙЎЛДОШЕВ

Бепул интернет худудлари

Фонд Форум, "Кела-жак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида мамлакатимиздаги ўқув муассасаларида янги лойиҳа асосида "Келажак овози" бепул Wi-Fi интернет худудлари ташкил этилди.

Мазкур лойиҳа ёшларнинг интернет-ресурсларидан бемалол фойдаланишига имконият яратиш, маълумотларни тезкор равишда излаш, топиш ва ундан фойдаланиш, ёшлар ўртасида интернетни оммалаштиришга қаратилганлиги билан ҳам аҳамият-лидир. Буларнинг бари ички веб-ресурслар ҳамда интернетнинг ўзбек сегментини ривож-лантиришга имкон беради ҳамда чекка худудларда ахборот-алоқа технологияларини жорий этиш суръатларини янада жадаллаш-тиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда олийгоҳлардаги "Келажак овози" худудлари-да роутерлар, яъни, икки алоқа тармоғи коммутаторлари учун махсус механизмлар ўрнатил-ган. Интернетга симсиз ула-ниш педагогик таркиб учун ҳам, та-лабалар учун ҳам бепул ташкил

этилган. Мазкур ташаббус ви-лоятлардаги талабалар учун янги истикболлар эшигини очади, таълим олиш жараёнида ин-терактив хизматлардан кенг фой-даланишга ёрдам беради.

Ҳозирга кунда "Келажак о-вози" интернет худудлари бугун мамлакатимиз бўйлаб, Тошкент шаҳридан ташқари, 69 та ўқув даргоҳларида йўлга қўйилди. Вилоятларда интернетга ула-ниш масаласи мураккаб экани ҳеч кимга сир эмас. "Келажак о-вози" Wi-Fi худудлари Инновацион го-ялар маркази томонидан иш-лаб чиқилган лойиҳадир.

Марказ 2010 йилда "Келажак овози" ЁТМ қошида "Келажак овози" танлови голиблари лойи-ҳаларини амалга ошириш мақса-дида ташкил этилган эди. Мар-каз Ўзбекистон алоқа ва ахборот-лаштириш агентлиги, Давлат па-тент идораси, Фанлар академия-си, Фан ва технологияларни ри-вожлантиришни мувофиқлаш-тириш қўмитаси, Тошкент ах-борот технологиялари универси-тети, Тошкент давлат техника уни-верситети билан ҳамкорлик қи-лади. Инновацион го-ялар маркази иштирокчилари ўқув юртларида "Келажак овози" худудларини ташкил этиш лойиҳасини ҳаётга тадбиқ этиш ишлари билан шу-ғулланишмоқда. Шунингдек, улар АТ ва замонавий технологик ечим-лар соҳасида ёшларга кўмак бе-ришга йўналтирилган дастурлар-га ёрдам кўрсатиб келади.

"Туркистон-пресс"

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ ЁХБ ходимлари томонидан туман худудидида содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олиш ҳамда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича профи-лактик тадбирлар олиб борилмоқда.

Эҳтиётсизликка йўл қўйманг

Жумладан, маҳалла-қўй, шахсий хонадон ва кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли ўртасида содир бўлаётган ёнгинлар, унинг қандай оқибатларга олиб келиши тушунтирилмоқда. Шу билан бир қаторда ўзини-ўзи бошқариш органлари, про-филактика нозирлари ҳамкорлигида кўпдан бери кўча ва йўл ёқаларида тўпланиб ётган қуриган ҳазон уюмлари, шох-шабба, майший чиқиндиларни олиб чиқиш чоралари кўрил-моқда. Нега деганда, қуриган шох-шабба ва ҳазонларга ўт тушиши натижасида одамлар, ён-атрофдаги турар-жойларга жиддий зарар етиши мумкин.

Шунга ўхшаш ҳолатларга йўл қўймаслик, ёнгинлар-нинг олдини олиш масаласи ҳукуматимизнинг доимий диқ-қат-эътиборида. Айни кунларда кузги-қишқи мавсумга тайё-ргарлик билан боғлиқ чора-тадбирлар кўриляпти. Бу борада, Президентнинг 2012 йил 20 июндаги "Республика иқтисо-диёти тармоқларини 2012-2013 йил куз-қиш даврида барқар-ор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғри-сида"ги қарори талабларини бажариш ва ҳамкорликда олиб борилаётган профилактик тушунтириш тадбирларининг са-марасини янада ошириш борасида Юнусобод тумани ИИБ ЁХБ ходимлари томонидан туман Электр тармоқлари корхо-наси, туман Газ идоралари билан бирга қилиниши зарур бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинди. Хусусан, аҳоли турар-жой биноларида эксплуатация тизими, газдан оқилана фойдаланиш, газ қувурларини ўз вақтида тозалаш, қувурлар-ни ўтказишда лойиҳалаш, техник кўриқдан ўтмаган қозонхо-наларни ишлашни тақиқлаш, газ ва электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларига чек қўйиш мақсадида ички ишлар, газ ва электр идоралари ходимлари билан ҳамкорликда ташкилий ва амалий тадбирлар ўтказилмоқда. Муҳими, бу каби тадбирлар нафақат мавсум чоғида, балки йил давомида ўтказиб келинади.

Юнусобод тумани ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бўлими

Реклама

"КАРМАНА FENIKS" ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Юртимизнинг барча илм-маърифат сарбонларини, жонкуяр ҳамда заҳматкаш муаллимларни қувончли шодиёна —

1 октябрь — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

билан самимий табриклайди.



**Келажагимиз эгаларини маънан етув,
жисмонан бақувват ва юртнинг фидойи фарзандлари этиб
тарбиялашдек машаққатли ва шарафли меҳнатингизга улкан омадлар тилаб қоладим.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ ҲАМДА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ
ВА ТАЛАБАЛАРИ**

*Барча устоз ва мураббийларни энг
эъзозли байрам —*

Ўқитувчи ва мураббийлар кuni

муносабати билан табриклайди.

**Кўз нури ва қалб кўрини ёш авлод таълим-тарбиясига
бахш этаётган устозларга таъзим
қилсак арзийди!**

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

“УРГАНЧ ЎТ ЎРИШ МАШИНАЛАРИ” ОАЖ ЖАМОАСИ

Таълим соҳасининг барча
ходимларини —

**1 октябрь — Ўқитувчи ва
мураббийлар кuni**

билан чин дилдан
муборакбод этади.



**Мухтарам устозлар!
Сизларга сизат-саломатлик, бахт-саодат,
фаровонлик, шарафли ва машаққатли меҳнатингизга
янги-янги зафарлар тилаймиз!**



Инсон қанчалик ақлли ва меҳрибон бўлса, одамлардаги эзгуликни шунчалик кўпроқ ҳис этади.

БИЛАСИЗМИ?

Вермонт штатида (АҚШ) музқаймоқлар қабристонига бор. Бу ерда истеъмолдан чиққан музқаймоқ брендлари учун қабр тошлари ўрнатилган.


Испаниянинг Лансароте оролидаги El Diablo ресторанида ҳаратдаги вулконнинг 400 даража иссиқлигида овқат пиширилади.

ТУРФА ОЛАМ

Сув устидаги аэропорт

БУЮК БРИТАНИЯЛИК АРХИТЕКТОРЛАР ҒАЙРИОДДИЙ АЭРОПОРТ ЛОЙИХАСИГА ҚЎЛ УРИШДИ.

Ғоя муаллифларнинг таъкидлашича, ушбу аэропорт денгиз устига қурилган тўртта учуш-қўниш майдончасига эга бўлади. Бундай аэропорт кўринишдан ўзга сайёраликлар кемасига ўхшаш бўлиб, Хитроу аэропортига яқин сунъий оролда барпо этилиши кутилмоқда. Лойиҳани амалга оширишда барча замонавий технологияларни қўллаш кўзда тутилган. Энг асосийси, мазкур сув устидаги аэропорт Лондонга экошаҳарлар рўйхатига кириши имконини беради.



Мўъжаз компьютер

INTEL КОМПАНИЯСИ ЯНГИ ПЛАТФОРМАЛИ КОМПЬЮТЕР ВЕРСИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИКДИ.

Intel NUC номини олган ушбу мўъжаз компьютер корпусининг ўлчами 10x10 см. бўлишига қарамай, платформа фаолиятида ҳеч қандай қусур қузатилмайди. Компьютерга Ivy Bridge оиласига мансуб Intel Core i3 процессори ўрнатилган бўлиб, HD 4000 адаптери ёрдамида интеграллаш хусусиятига эга бўлди. Шунингдек, компьютер иккита тезкор хотира слоти, учта USB-порт ва mini-PCI симсиз модулар интерфейси билан бойитилган. Маълумотларга қўра, янги компьютер икки версияда, бири Thunderbolt интерфейси ва иккинчиси Ethernet тармоғи базаси асосида ишлаб чиқарилиши мумкин.



Пўлат минора

АМЕРИКАДА БАЛАНДЛИГИ 20 КИЛОМЕТРГА ТЕНГ ПЎЛАТ МИНОРА ҚУРИЛИШИ КУТИЛМОҚДА.

Мазкур лойиҳани америкалик ёзувчи-фантаст Нил Стивенсон ва муҳандис-қурувчи Кит Хельмстад рўёбга ошириш ниятида эканини маълум қилган. Уларнинг айтишича, минора баландлиги стратосферагача етиши мумкин. Аксарият мутахассислар лойиҳани навабдаги фантастикага қийёслашмоқда. Бирок, ёзувчи, олим, рассом ва муҳандислар ушбу фантастикани ҳақиқатга айлантириш ниятида. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Олимлар пўлат минорадан кейин Ойга 3D-принтерлар армиясини жўнатиб, у ерда инсонлар яшайдиган турар-жойлар қуришни ҳам режалаштириб қўйишган.



Умр заволи

ТУРЛИ ХИЛ ПАРХЕЗЛАР ТУТИШГА МУККАСИДАН КЕТГАН АЁЛ УМРИНИНГ 17 ЙИЛИНИ ШУ ИШГА САРФЛАЙДИ.

Бу инглиз тадқиқотчиларининг ҳулосаси. Уларнинг ҳисоблашича, аёллар бир йилда икки марта пархез тутиб, ролпа-роса 18:00 дан кейин ҳеч нарса истеъмол қилишмайди. Бунинг натижасида аёллар 5 килограммга озади. Лекин, пархез тутуши аёллар учун одатга айланиб улгурган. Сабаби, аксарият хотин-қизлар 18 ёшдан бошлаб пархез тутга бошлайди. Салкам 90 фоизга яқин аёл эса умрида бир марта бўлса-да ейиш-ичишдан ўзини тийди. Натижада, биргина пархез учун аёл умрининг 17 йилини "қурбон" қилишига тўғри келади.



З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони партиянинг пирамидасимон календарини тайёрлаш ва нашр қилиш учун тендер эълон қилади.

Мурожаат учун телефон рақамлар: 244-14-98, 239-45-53 факс

КЎЗГҮ

Устоз

Бу қадрдон ва ҳаммамизнинг юрагига яқин сўзни эшитсак, ҳаяжонга тушамиз. Негаки, илк бора алифбони ўргатиб, катта ҳаёт бўсағасига қадам қўйганимизга қадар уларнинг чексиз меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўламиз.

Мустақил Ватанимизнинг нури ва ёруғ келажаги эгаларини юксак маънавиятли, етук ва доно қилиб тарбиялаш йўлида беминнат хизмат кўрсатаётган устоз-мураббийларни ҳар қанча мақтасак, олқишласак арзийди. Бектемир туманидаги 293-мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор муовини Гулбахт Нуриимбетова 21 йилдирки бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ бериб келаяпти. Жажжи қўлчалари билан қалам тутиб, ёруғ келажак сувартини чиза бошлаган мурғак ўқувчилар юз-кўздан бугунги кундан бахтиёрлик, эртанги кунга ишонч балқиб турибди.



Зиёдама НОРМУРОДОВ олган сурат.

ТАРАДДУД

“ART WEEK STYLE. UZ – 2012”

САНЪАТ ҲАФТАЛИГИГА ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

кент халқаро кинофоруми санъат ҳафталиги лойиҳаларини бошлаб беради.

Кино олами вакилларининг ижодий форумини 1-7 октябрь кунлари учинчи мартаба ўтказилаётган "Theatre.uz/2012" халқаро театр фестивали давом этади. Бу йил ҳам пойтахтимиз ва вилоят театр жамоаларидан ташқари Болгария, Россия, Исроил, Қозоғистон, Тожикистондан театр усталари ташриф буюради. Саҳна асарлари томошабин ва мутахассислар эътиборига ҳавола этилади.

Фонд Форум томонидан ташкил этилган мазкур ҳафталик ўз аҳамияти ва кўлами жиҳатидан Урта Осиё минтақасида мазкур йўналишдаги биринчи ва энг йирик лойиҳа ҳисобланади. Маънавият ва маърифат, санъат ва нафосат байрами сифатида юрдошларимиз ва хорижликларни ўзига чорлаб келаётган ушбу санъат ҳафталиги доирасида мамлакатимиздаги етакчи дизайнерлар ва хорижий мода уйларининг либослар намойиши, миллий либослар фестивали, классик ва замонавий санъат бадиий кўргазмалари, хайрия акциялари ҳамда турли тақдимот, концерт, кўнгулчор тадбирлар, маҳорат дарслари, ёшлар иштирокида блиц-брифинглар тақдим этилади. Бу йил ҳам дунёнинг энг машҳур брендлари иштирок этиши кутилмоқда.

Шоу-бизнес, мода, кино, театр, санъат, мусиқа ва ОАВ оламининг таниқли ва машҳур вакиллари билан бевосита учрашиш, суҳбатлашиш имкони яратилади. Утган йиллар давомида санъат ҳафталигида қатнашган ёш дизайнер, рассом ва модельерлар учун бу катта тажриба ва маҳорат майдонига айланганлигини қувонч билан айтиш мумкин.

Визуал санъат борасидаги йирик лойиҳа, олтинчи "TashkentALE – 2012" Тошкент халқаро фотобиеннаlesi 4-9 октябрь кунлари бўлиб ўтади. Айна кунларда "VI Тошкент халқаро фотобиеннаlesi — 2012" га тайёргарлик ишлари кетаяпти. Мазкур тадбир "Мен дунё ичраман: дунё мен ичра" мавзусида ўтказилиб, ёш ижодкорларга табиат, жамият ва оила уйғунлигини тараннум этиш орқали, инсон ички оламини кашф қилиб, янгидан-янги санъат асарларини яратиш имконини беради. Унда "Оилага бағишланган энг яхши фотография", "Энг яхши кураторлик лойиҳаси", "Энг яхши бадиий фотография", "Энг яхши экспериментал фотография", "Еш

фоторассомнинг энг яхши асарини" номинациялари бўйича гунаҳдорлик, тақдирланади. Бу йил кўргазмада дунёнинг 35 давлатидан 200 дан ортиқ муаллиф 1500 дан кўпроқ асарларни намойиш этади. Фотобиеннале 4-9 октябрь кунлари Тошкент ва Самарқанддаги кўргазма залларида бўлиб ўтади. Утган йил ўтказилган Тошкент замонавий санъат халқаро биеннаlesiда ўзбекистонлик 100 нафардан зиёд, 25 та хорижий давлатдан 50 нафар мазкур 1500 дан кўпроқ асарни санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этган эди.

Шунингдек, "Art Week Style.uz – 2012" санъат ҳафталиги доирасида британиялик таниқли рассом Аня Санг ўз асарларини намойиш этади. Рассомнинг 2007-2011 йиллар давомида ишланган 17 та картинадан иборат "Мавҳум тафаккур" деб номланган кўргазмаси Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида бўлиб ўтади. Бундан ташқари, буюк рассом Оганес Татевосян асарлари кўргазмаси, франциялик рассом Транг Ву экспозицияси, "Авлодлар ўзгарди, анъаналар боқий" махсус лойиҳаси, "Япония сиймоси—Сирли Фудзияма" фото кўргазмаси, "Генеалогия — хотира шажараси" замонавий санъат халқаро кўргазмалари ҳам иштирокчиларга ҳавола этилади.

“ОЛТИН ГЕПАРД” II Тошкент халқаро кинофоруми

30 сентябрдан 5 октябрга қадар пойтахтимизда Фонд Форум ҳамда "Ўзбекино" миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкиллаштирилган "Олтин Гепард" II Тошкент халқаро кинофоруми "XXI аср тамаддулари: маданиятлар мулоқоти" мавзусига бағишланган бўлиб, ушбу мавзу лойиҳанинг асосий ғоясини ифодалаб беради. Кинофорумнинг бу йилги шиори — "Яширин уйғунлик ошқорасидан қутилиб" деб танланди. Бу фикр қадимги грек филозофи Гераклит Эфесскийга тегишли бўлиб, ташкилотчиларнинг айтишича, кўлаб "Олтин Гепард" лойиҳасининг моҳиятини очиб беради. Яширин уйғунлик — ҳар қандай ҳодиса ва тушунчанинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Кинофорумда намойиш этиладиган муаллифлик кино асарлари яширин уйғунлиқнинг ёрқин намунасига айланиши аниқ.

Айна кунларда мазкур йирик кино анжуманига қизғин тайёргарлик кўриломоқда. Кўплаб ижодий учрашув ва мулоқотлар гунаҳдорлик, тақдирланади. Бу йил кўргазмада дунёнинг 35 давлатидан 200 дан ортиқ муаллиф 1500 дан кўпроқ асарларни намойиш этади. Фотобиеннале 4-9 октябрь кунлари Тошкент ва Самарқанддаги кўргазма залларида бўлиб ўтади. Утган йил ўтказилган Тошкент замонавий санъат халқаро биеннаlesiда ўзбекистонлик 100 нафардан зиёд, 25 та хорижий давлатдан 50 нафар мазкур 1500 дан кўпроқ асарни санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этган эди.

гарлик кўриломоқда. Кўплаб ижодий учрашув ва мулоқотлар гунаҳдорлик, тақдирланади. Бу йил кўргазмада дунёнинг 35 давлатидан 200 дан ортиқ муаллиф 1500 дан кўпроқ асарларни намойиш этади. Фотобиеннале 4-9 октябрь кунлари Тошкент ва Самарқанддаги кўргазма залларида бўлиб ўтади. Утган йил ўтказилган Тошкент замонавий санъат халқаро биеннаlesiда ўзбекистонлик 100 нафардан зиёд, 25 та хорижий давлатдан 50 нафар мазкур 1500 дан кўпроқ асарни санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этган эди.

Ақбар ҲАКИМОВ, санъатшунослик фанлари доктори, академик, "Олтин Гепард" Тошкент халқаро кинофоруми директори:

— Санъат инсон маънавиятини юксалтиришга хизмат қилиши лозимлиги, айниқса, "Олтин Гепард" биринчи халқаро кинофоруми кунларида яққол сезилди. Биз уни анъанавий бўлиб қолишини истаямиз. Мана бу йил ҳам халқаро кинофорумни иккинчи бор ўтказамиз. Миллий санъатимизнинг ўзига хос, бетакрор анъана ва мактабларини асраб-авайлаш, уни юртимиз ва хорижда кенг тарғиб қилиш, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ёш истеъодларни излаб топиш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, кўлаб-қувватлашни мақсад қилиб олган мазкур кинофорум кутилган натижаларни бериши, десак аниқаймиш. Айниқса, ёш ўзбек ижодкорлари учун катта имкониятлар эшигини очди. Қолаверса, кўлаб ижодкорлар бир жойга тўпланишида, бир-бирлари билан фикр алмашишида, янгилардан хабардор бўлишида.

Кинофорумда иштирок этиш учун бу йил Европа, Осиё, Африка, Шимолий ва Жанубий Американинг 45 дан зиёд мамлакатидан аризалар келиб тушди. Фильмларнинг умумий сони 473 тани ташкил этади. Тўлиқ метражли бадиий фильмлар танлов комиссияси томонидан 157 та, қисқа метражли фильмлар бўйича 230 та, анимацион фильмлар танлови бўйича эса 86 та фильм кўриб чиқилди. Саралаш натижасида 12 та тўлиқ, 10 та қисқа метражли ва 10 та анимацион фильмлар танлаб олинди.

Феруза НОДИРОВА, киношунос:

— Бу йил ҳам фильмларнинг бадиий савиясига холис баҳо бериш мақсадида нуфузли ҳақамлар хайъати тузилди. Унинг таркибига кўлаб таниқли кино мутахассислари, кинопродюсер ва режиссёрлардан, британиялик таниқли режиссёр Ник Пауэлл, кино танқидчи

Филипп Бергсон, россиялик актёр ва театр режиссёри Армен Жигарханян, германиялик оператор, режиссёр ва ёзувчи Томас Маух, ўзбекистонлик режиссёр ва актёр Рустам Садуллаев, Собир Назармухамедов, Дмитрий Власовлар киритилди.

"Олтин Гепард" халқаро кинофоруми мукофотлари "Энг яхши анимацион фильм учун", "Энг яхши қисқа метражли фильм учун", "Энг яхши тўлиқ метражли фильм учун", "Энг яхши эркак роли", "Энг яхши аёл роли", "Энг яхши режиссура" номинациялари бўйича топширилади.

Хабарингиз бор, утган йилги илк бора ўтказилган "Олтин Гепард" халқаро кинофорумида "Энг яхши эркак роли учун" номинациясида таниқли режиссёр ва актёр Нозим Тулаҳов, "Энг яхши тўлиқ метражли фильм" номинациясига эса режиссёр Зулфиқор Мусоқовнинг "Қўрғошин" фильми мунораб топишган эди. Бу йил ҳам юрдошларимиздан совринли ўринларни кўтиб қоламиз.

Шунингдек, киноанжуман доирасида танловдан ташқари "Замонавий ўзбек киноси панорамаси", "Томошабин билан юзма-юз" ва "Франциялик таниқли режиссёр Жак Тати фильmlари ретроспективаси" дастурлари томошабинларга тақдим этилади.

Алишер УЗОҚОВ, актёр ва режиссёр:

— Менинг янги фильмим тақдимоти "Замонавий ўзбек киноси панорамаси" дастурида бўлиб ўтади. Бу кинофорум ёш ижодкорлар учун катта маҳорат мактаби вазифасини ўтаб беради. Ташриф буюрадиган таниқли хорижлик кино усталаридан иш ўрганамиз, тажриба алмашамиз. Керак бўлса улар ҳам биздан кўп нарсани ўрганишади, деб ўйлайман.

Мазкур тадбирлар мамлакатимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, ижодкорлар меҳнатини эъзозлаш ва рағбатлантириш борасида олиб борилаётган ислохотларга хизмат қилади. Уларнинг барчаси юртимиз маданияти ва санъатини ривожлантириш, халқаро алоқаларни янада жонлантиришга қаратилган. Ишонамизки, бу йилги санъат ҳафталиги ҳам ўзининг дастури ва лойиҳасининг қизиқарлиги билан барча иштирокчи ва меҳмонларни хайратга солади.

Эркин Йўлдош, "Millyi tiklanish" мухбири



Шу йилнинг 30 сентябрдан 9 октябрга қадар пойтахтимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган энг йирик маданий лойиҳа — Art Week Style.uz — 2012 санъат ҳафталиги иш бошлайди. Санъат ҳафталиги чоғида театр, кино, маданият, мусиқа фестиваллари ва бошқа тадбирлар ўтказилади. Санъатга иштиёқ, ихлоси ва меҳри билан инсон борки ушбу санъат ҳафталигига бефарқ қарай олмайдми. Йилдан-йилга ўзига хос тароват ва жўшқинлик касб этаётган ҳафталик давомида иштирокчилару юртимиз меҳмонлари ранглар жолоси, ўзбек ва жаҳон санъати намуналари, урф-одат ва анъаналаридан баҳраманд бўлишлари мумкин.

Еттинчи мартаба ўтказилаётган Art Week Style.uz лойиҳасининг бош ташкилотчиси — "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси халқаро маданий алмашинувни ривожлантириш, мамлакатлар, турли миллат ва элатлар ўртасида ижтимоий-гуманитар, умумбашарий алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида кўлаб тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Жамғарма турли грант, стипендиялар ажратиб, танлов, фестивал, кўргазма, давра суҳбати каби тадбирларни ташкил этапти. Талантли ва иқтидорли ёшларни, оилавий ҳунарманду ижодкор инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни рағбатлантириб келмоқда. Art Week Style.uz санъат ҳафталиги санъатнинг турли йўналишларида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, ижод олами вакилларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Британия Кенгаши, Француз ҳамда Гёте институтлари, йирик хорижий ва маҳаллий идоралар, жамоат ташкилотлари кўмаги билан ўтказиб келинмоқда.

Бу йилги "Art Week Style.uz — 2012" 4 та кенг қамровли лойиҳани ўз ичига олади. 30 сентябрдан 5 октябрга қадар ўтказиладиган II "Олтин гепард" Тош-

MILLYI TIKLANISH logo and contact information for the party.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Фолибшер ЗИЯЕВ, Суван НАЖБИДИНОВ, Муҳаммадхон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улугбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмаил ХУДОЁЕВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқади. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Бюро тарма — Г 919, Адади — 4980. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда. Навбатчи муҳаррир: Зафар МУҲАММАД Навбатчи: Эргаш ХУҲАЕВ Саҳифаловчи: Ақбар МУҲАММАД Электрон почта: e-mail: milliyt@sarkor.uz Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 23.00. ISSN 2010-7714